

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2023 йил 26 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Ш.Маҳмудовнинг раислигида, ҳайъат аъзолари А.Абдуллаев, З.Рустамов, Ф.Ражабов ва Р.Сагатовдан иборат таркибда, З.Қодировнинг котиблигида, Андижон вилоят судининг ходими Ғ.Амиркулов, даъвогар вакиллари – Ш.Сайфиддинов (раҳбар), У.Каримов (2022 йил 1 апрелдаги 2656-сонли ордер асосида), жавобгар вакили - ҳуқуқшунос О.Маҳмудовнинг иштирокида, Андижон вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг даъвогар “Poytug’ oq oltin zargari” фермер хўжалиги манфаатида жавобгар “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамиятидан 732 935 992 сўм асосий қарз ва 146 587 198 сўм жарима ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан киритилган ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақидаги протести асосида ишни Олий суднинг биносида видеоконференцалоқа режимида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Андижон вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши “Poytug’ oq oltin zargari” фермер хўжалиги (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 732 935 992 сўм пахта хом-ашёси маҳсулот ҳақи, шартноманинг 5.4-бандига мувофиқ пахта ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаганлик учун 20% миқдорида 146 587 198 сўм жарима ундиришни сўраган.

Кўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 116 776 375 сўм асосий қарз ундирилган.

Андижон вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 апрелдаги қарори билан тарафларнинг апелляция шикоятлари қисман қаноатлантирилиб, биринчи инстанция судининг 2022 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг “Кластер ҳисобидан даъвогар фойдасига 116 776 375 сўм асосий қарз ундириш” ҳақидаги қисми “Кластер ҳисобидан даъвогар фойдасига 15 117 775 сўм асосий қарз, 3 023 545,20 сўм жарима ундирилсин” деб ўзгартирилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 19 октябрдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2022 йил 14 апрелдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритилган.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари протестни қўллаб-қувватлаб уни қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакили протестга эътироз билдириб, уни қаноатлантиришни рад этишни, жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни сўради.

Кенгаш вакиллари суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, улардан вакил суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 297-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, кассация инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Шунинг учун судлов ҳайъати ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб ва протестда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантиришни лозим топади.

Аммо, судлар томонидан қарор қабул қилишда ушбу талабларга риоя қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади) 234-моддасига биноан мажбурият шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари контракция (фьючерс) шартномасидан келиб чиққан. Чунки, фермер хўжалиги шартномани имзоламаган бўлса-да, у кластердан уруғлик олиб, пахта хом-ашёсини етиштирган ва кластерга топширган, кластер эса пахта хом-ашёсини етиштириш ва уни йиғиб олиш учун қилинган харажатларни ҳамда қабул қилиб олинган пахта хом-ашёси учун тўловларни амалга оширган.

ФК 370-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига кўра, оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонунчиликда ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

Қолаверса, тарафлар ҳам улар ўртасида фьючерс шартномаси тузилганлиги ва уни шартларини бажаришга киришганлигини инкор қилмайди.

ФК 465-моддасининг биринчи қисмига кўра, контракция шартномасига офис қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги



маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан фермер хўжалиги жавобгарга 2021 йил ҳосилидан 92654 кг 1 нав 1 синф, 42 135 кг 1 нав 2 синф бўйича пахта хом-ашёсини топширган.

Шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида пахта хом-ашёсининг харид нархи 1 (бир) тоннаси учун 6 020 006 сўм миқдорида белгиланган, 2021 йил пахта хом-ашёси учун харид нархлари ўзгарганда харидор янги нарх бўйича ҳисоб китоб қилиши кўрсатилган.

Шартноманинг мазкур шартларидан келиб чиқиб, Кенгаш судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар қабул қилиб олинган маҳсулот учун 732 935 992 сўм тўлаши лозим бўлса-да, пахта хом-ашёси ҳақи тўланмаганлиги, шартноманинг 5.4-бандига мувофиқ пахта ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаганлик учун 20 фоиз миқдорида 146 587 198 сўм жарима ҳисобланганлигини кўрсатиб, ушбу қарз ва жаримани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди ишдаги далилларга тўғри баҳо бермасдан ҳамда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан жавобгардан даъвогар фойдасига 116 776 375 сўм асосий қарз ундириш ҳақида, даъво талабининг жарима ундириш қисмини эса қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини ўзгартириш ва даъвони қисман қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини шартноманинг 4.1-бандида пахта хом-ашёсининг харид нархи 1 (бир) тоннаси учун 6 020 006 сўм миқдорида белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига йўллаган 2021 йил 2 ноябрдаги 04/024-4454-сонли хатида етиштирилган тўртинчи тип иккинчи нав биринчи синф 1 тонна пахта хом-ашёсининг минимал нархи кўшилган қиймат солиғи билан бирга 6 512 000 сўмни (бешинчи тип биринчи нав биринчи синф 1 тонна пахта хом-ашёсининг минимал нархи 7 030 000 сўм) ташкил этганлигини маълум қилинганлиги, аммо, мазкур хат тавсиявий характерга эга ҳужжат ҳисобланиши, пахта хом-ашёсини етиштирувчи ва уни қабул қилувчи субъектлар шартномавий муносабатлар доирасида бошқа юқори ёки паст навли ва синфли пахта хом-ашёсининг нархларини ўзаро манфаатли келишув асосида мустақил равишда белгилашлари мумкинлиги, аммо нарх бўйича келишмовчиликлар юзасидан шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги ҳамда қўшимча келишувлар тузилмаганлиги билан асослаган.

Кассация инстанцияси суди эса апелляция инстанция судидаги хулосалар билан келишган ҳолда қарорни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тўхтамга келган.

Бироқ, ФК 356-моддасининг биринчи ва учинчи қисmlарига кўра, шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади, шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

ФК 418-моддасининг биринчи қисмига биноан, сотиб олувчи товар ҳақини ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланадиган баҳода тўлаши,



шунингдек қонунчилик, олди-сотди шартномаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим.

Мазкур ҳолатда, шартноманинг 4.1-бандида пахта хом-ашёсининг харид нархи 1 (бир) тоннаси учун 6 020 006 сўм этиб белгиланган бўлса-да, 4.2-бандида 2021 йил пахта хом-ашёси учун харид нархлари ўзгарганда харидор янги нарх бўйича ҳисоб китоб қилиши белгиланган.

Яъни, шартнома тузилганидан кейин топширилаётган пахта хом-ашёси баҳоси ўзгартирилишини тарафлар шартномада белгилаб қўйган ва шунинг учун шартномага тегишли ўзгартириш киритиш ҳақида қўшимча келишув тузиш талаб қилинмайди.

Қолаверса, ФКнинг 363-моддасига биноан суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарори 2-бандининг “а” кичик бандида 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом-ашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилиши белгиланган.

Ушбу қарорнинг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу қарорининг 3-банди ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 ноябрдаги 04/024-4454-сонли хати билан янги минимал нархлар эълон қилинганлиги маълум қилинган ва ушбу хатнинг иловасига кўра, 1 кг пахта хом-ашёсининг “Андижон-35” тури 1 нави 1 синфи учун 7 030 сўм, 1 нави 2 синфи учун 6 850 сўм миқдоридан минимал нарх белгиланган.

Фермер хўжалиги жавобгарга 2021 йил ҳосилидан 92 654 кг 1 нав 1 синф, 42 135 кг 1 нав 2 синф навли пахта хом-ашёсини топширган.

Бунда, топширилган пахта хом-ашёсининг 1 нав 1 синфли 92 654 кг.нинг нархи 651 357 620 (92 654 х 7 030) сўм, 1 нав 2 синфли 42 135 кг.нинг нархи 288 624 750 (42 135 х 6 850) сўм, жами топширилган маҳсулотнинг нархи 982 370 (651 357 620 + 288 624 750) сўмни ташкил қилади.



Ушбу суммадан даъво аризаси киритилгандан сўнг, жавобгар томонидан 593 072 500 сўм тўлаб берилган, терим учун жавобгар томонидан тўлаб берилган 151 746 800 сўм, 9 309 941 сўм қуриштириш учун қилинган харажатлар, 34 204 000 сўм чигит суммаси харажатлари, 40 650 342 сўм қўшилган қиймат солиғи суммаси, жами 828 983 583 (593 072 500 + 151 746 800 сўм + 9 309 941 + 34 204 000 + 40 650 342) сўм айрилганда қарз суммаси 110 998 787 (939 982 370 – 828 983 583) сўмни ташкил қилади. Бунда, жавобгар томонидан ташиш харажатлари учун 1 099 266 сўм ҳисоб-китоб қилинганлиги ва 1 099 266 сўм чегирма суммаси ҳисобланганлиги асосланганлиги берилмаган.

Кенгашнинг даъво аризасида ундирилиши сўралган 20 фоиз жарима суммаси 689 702 850 сўм асосий қарзнинг суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган. Бироқ, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш пайтида жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 704 071 287 (939 982 370 – 235 911 083) сўмни ташкил қилган ва 20 фоиз жариманинг суммаси 140 814 257,4 (704 071 287 x 20 %) сўмни ташкил қилади.

ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳолатда ундирилиши сўралган жарима суммасини судлов ҳайъати жавобгарнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиб деб ҳисоблайди ва шунинг учун унинг миқдорини 10 фоизга, яъни 14 081 425,74 сўмга қадар камайтиришни лозим топади.

Бундан кўринадики, судлар қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган, бу эса асоссиз қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

ИПК 302-моддасининг биринчи қисмида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар келтирилган бўлиб, унга кўра иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, ҳал қилув қароридан баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 301-моддасининг 2-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати протестни қаноатлантиришни, жавобгарнинг кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни, қуйи инстанция судларининг қарорларини бекор қилишни ва даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 110 998 787 сўм асосий қарз ва 14 081 425,74 сўм жарима ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига



мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошисига кўра Кенгаш фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш ҳуқуқига эгалиги, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмаслиги белгиланганлиги сабабли, даъвони қаноатлантиришни рад этилган қисми бўйича даъвогардан давлат божи ундирилмайди.

Судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш пайтида жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 704 071 287 сўмни ташкил қилганлиги ва ундириши сўралган жарима суммасининг 140 814 257,4 сўмлик қисми асосли бўлганлиги, аммо, суд томонидан неустойка камайтирилганлиги сабабли, ишни биринчи инстанция судида кўриш учун жавобгардан республика бюджетига 16 897 710,9 (704 071 287 + 140 814 257,4 = 844 885 544 x 2%) сўм давлат божи ундирилади. Ишни апелляция ва кассация инстанция судларида кўриш учун жавобгардан ҳар бир инстанция учун республика бюджетига 8 448 855,44 (16 897 710,9 x 50%) сўм давлат божи ундирилади. Жавобгардан жами 33 795 421,8 сўм давлат божи ундирилади.

Шунингдек, жавобгардан Олий суднинг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 75 000 сўм суд харажатлари ундирилиши лозим.

Тарафлар томонидан тўланган почта харажатлари уларнинг зиммасида қолдирилади.

ИПК 343-моддасининг иккинчи қисмида, агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қилиши белгиланган.

Шу боис, ИПКнинг 343-моддасига асосан апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари бўйича ундирув бекор қилинади.

Юқоридагиларга асосан ва ИПКнинг 118, 301 – 303, 305¹ ва 343-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарининг протести қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 19 октябрдаги қарори бекор қилинсин.

“Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Кўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарори ва Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 апрелдаги қарори бекор қилинсин.



“Sohib omad barakasi” masъулияти чекланган жамиятидан “Poytug’ oq oltin zargari” фермер хўжалиги фойдасига 110 998 787 сўм асосий қарз, 14 081 425,74 сўм жарима ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

“Sohib omad barakasi” masъулияти чекланган жамиятидан:

- республика бюджетига 33 795 421,8 сўм давлат божи;
- Олий суднинг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 75 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Кўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарори ва Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 апрелдаги қарори бўйича ундирув бекор қилинсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи:

Ш. Махмудов

ҳайъат аъзолари:

А. Абдуллаев

З. Рустамов

Ф. Ражабов

Р. Сагатов

